



Plot problems in Uzbek poetry of the XX century

Dilfuza CHORIEVA¹

Termez State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2021

Received in revised form

28 March 2022

Accepted 20 April 2022

Available online

15 May 2022

Keywords:

Lyrics, role poems, lyrical subject, lyric “I”, “other person”, character, poet, performance lyrics, character lyrics, emotional tone

ABSTRACT

The article describes the formal and semantic changes in the Uzbek poetry of the twentieth century, the scientific basis of the problem of subjects. The similarities and differences between performance lyrics and character lyrics are revealed. An analysis of lyrical subjects in the works of Uzbek artists of the twentieth century.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: : <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss4/S-pp361-368>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

XX асрнинг ўзбек шеърляридаги субъект муаммолари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

лирика, ролли шеърлар, лирик субъект, лирик “мен”, “ўзга шахс”, характер, шоир, ижровий лирика, персонажли лирика, эмоционал оҳанг.

Мақолада XX аср ўзбек шеърляридаги шаклий ва мазмуний ўзгаришлар, субъектлар муаммосининг илмий асослари ёритилган. Ижровий лирика ва персонажли лириканинг ўхшаш ва фарқли томонлари очиб берилган. XX аср ўзбек ижодкорлари ижодидаги лирик субъектларга оид таҳлиллар амалга оширилган.

Сюжетные проблемы в узбекской поэзии XX века

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Лирика, ролевые стихотворения, лирический субъект, лирическое «я», «другой человек», персонаж, поэт, исполнительская лирика, характерная лирика, эмоциональный тон.

В статье описываются формальные и смысловые изменения в узбекской поэзии XX века, научные основы проблемы сюжетов. Выявляются сходства и различия между исполнительской лирикой и лирикой персонажей. Анализ лирических сюжетов в творчестве узбекских художников XX века..

¹ 2st year master's student, Termez State University, Termez, Uzbekistan

КИРИШ

Шеърият қалб сезгиларини аниқ ифодалайдиган алоҳида тур ҳисобланади. Шеъриятда ҳаёт, воқелик билан тебранган ижодкор қалбининг оҳанги ифодаланади. Бу турда кучли пафосга эга сўз, нота, оҳанг ва ёрқин манзара, гўзалликнинг қўшилмаси ҳосил бўлади. Поезиядаги ранг-баранг жилваланишларни, образлар сержилолигини пайдо қиладиган куч, шоир қалбидаги шуури-ю онгидаги ўзгаришлардир. Бугунги шеъриятда модернизация, новаторлик жараёни кечмоқда. Бугунги тез ўзгариб турувчи атроф воқеликлари ва инсоният табиати янги ғоянинг туғилиши макон ва замон тушунчаларини идрок этиш – барчаси ҳаётни тадқиқ этишни теранлаштириш билан биргаликда янги шаклни юзага чиқариб, воқеа бўлган ҳар бир бадиий асар жанр қирраларини бойитмоқда. Ҳозирги шеъриятдаги жанрий янгиланишлар билан танишиш китобхон билимини бойитиб бормоқда. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда юзага келган ижтимоий-тарихий шароитлар ижодкорларнинг шахсга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Эндиги шеъриятда ошиқ, маъшуқа, ринд, рақиб, соқий каби тушунчалар ўрнига ижодкорнинг миллат, миллият, ўзлик, хурлик, умуман, индивидуал онг каби ижтимоий-тарихий шароит учун мос атамалар эгаллади. Шеъриятимизда янгиланишларга йўл очган жадид шеъриятининг лирик субъекти шахсийликдан кўра умумийликни намоён этди. Жадид шоирлари лирик “мен”, “ўзга шахс”, “биз” кабилар номидан мурожаат этиб, маърифатпарвар зиёлиларга хос умумий тушунчаларни ифода этдилар. Субъект ҳақида гапирилганда, аввало, шоирнинг ўзи ёдга олинади. Шоир учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон, шахс табиий зарурият эди. Жадидчиларнинг янги адабиёт ҳақидаги тасаввурларининг тамал тошини “рўмонлар ва тиётру” китоблари ташкил қилгани ҳам далилдир. Чунки бу икки жанр ҳаёт воқеликларини кенг тасвирлаш ва англатишга имкониятлар очди. Шунинг учун ҳам асрлар давомида адабиётимизда ҳоким бўлиб келган шеърият талабларни амалга ошира олмай қолди. Бу ҳолат лирикада кучли туб ўзгаришларни талаб этди. Шеъриятнинг фақат кўнгил наволарини куйлаши ўрнига эндиги шеъриятда воқеликка урғу бериш ва бу орқали шеъриятда янгиликлар пайдо қилиши жадидчилар учун айни муддао эди. Шеъриятимиз бу даврга келиб, роман ва драма асарлари билан рақобат қилиши учун ички тузилиш жиҳатдан ўзгариши, энг аввало эса, субъектив жиҳатдан шаклланиб, ривожланиши лозим эди. Хўш, биз ўрганмоқчи бўлаётган шеърлардаги “сўзловчи”нинг исми нима? Шоир, “лирик субъект”, “лирик сюжет”, “лирик қаҳрамон” ёки “лирик мен”, ўзга шахс атамалари шеър таҳлилида “сўзловчи” мақомида маълум функцияни бажаради. У қандай тасвирланади?

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ушбу ишда билишнинг мантиқийлик, изчиллик, объективлик усулидан фойдаланилган бўлиб, мавзунинг ёритишда тавсифий, қиёсий методлардан фойдаланилган. Мақолада лирик турда яратилган шеърлардаги муаллиф, лирик қаҳрамон, лирик субъектлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақида сўз юритилган. Янги ўзбек шеъриятидаги шоирларнинг айрим ижод намуналарида учрайдиган ўзига хос янгиланишлар, хусусиятлар ва илмий-адабий қарашлар ўз аксини топган.

Мақолада бугунги кунда ўзбек шеъриятида ижод қилган ижодкорларнинг шеърлари ҳақида мулоҳазалар юритилган ҳолда, XX аср шоирлари шеърлари бадий жиҳатдан таҳлилга тортилган ҳолда, мавзунинг долзарблигини баён қилишда ижодкорларнинг шеърий тўпламлари асос сифатида олинган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Янги ўзбек шеъриятида XX аср бошларида лирик турнинг ўзига хос бир неча хил кўринишлари, яъни медитатив, ижровий, персонажли лирика кабилар пайдо бўла бошлади. Бу каби шеърлар ўзининг бошқа шеърий кўринишларда ўзининг саҳнавийлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу каби шеърларни биз мақоламизда “рол лирикаси” деб аташни маъқул кўрдик. Рол лирикаси асарларида асосий мавзу маркази қаҳрамон, лекин у муаллифнинг дунёқараши ҳамда матн тузилиши ва сўз жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилади. Ижро сўзлари матндаги муаллифнинг “спектакллари”, характерларнинг тавсифи ва хусусиятлари тўғридан тўғри аниқ маънони англатмайди. Бу ҳолатда муаллиф атайлаб орқага чекиниб, қаҳрамонга имконият беради. Шунинг учун характерларнинг моҳияти қаҳрамонларнинг ўзлари айтиб берган воқеалар очилганида аниқ бўлади. Бу жараёнда қаҳрамон “ҳикоя” жанри хусусиятларига хос тарзда ўзи ҳақида, атроф-муҳит ҳақида, инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги ғоялари ҳақида ўқувчига тасвирлаб беради. Ролли шеър бу шахснинг ўзини намоён қилиш шакли, унинг характери ва ҳаётий қадриятларни фош қилиш усули ҳисобланади. Бунда энг муҳими нутқнинг асосий предмети – марказий характерни танлаш ҳуқуқига эгаллигидир. Ижодкорлар ролли шеърлар орқали ўз қаҳрамонлари фонида ўзининг ички дунёси ва кечинмаларини ҳам кўшади. Турли хил тақдирлар ва турли одамларнинг ёлғиз, эндигина ҳаётига кириб ёки ҳаётининг охирида кириб улар ҳис қилган кечинмаларни бадийлаштиради, ўз бадий ғояси билан суғоради. Ўзга шахслар монологлари орқали шоир бахт, қайғу, шодлик каби халқ тушунчаларига худдики “сармоя” киритади. Мисол тариқасида Чўлпоннинг “Нил қизи”, “Мен ва бошқалар” ва бошқа шеърларини келтириш мумкин. Ўқувчи бундай шеър қаҳрамонларини ҳаётнинг кескинлик чоғида коради, чунки инсонларнинг энг яхши инсоний фазилатлари қийин шароитларда намоён бўлади. Юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида Чўлпоннинг “Нил қизи” шеърдан парчага эътиборни қаратамиз:

Гўзал Нил бўйидан
“Фаллоҳъ қизиман.
Аҳромлар йўлида
Карвон изиман...
Севганим қул бўлиб
Сотилиб кетди.
Мингларча қулларга
Қотилиб кетди.
Нилнинг баракаси
Дунёга татир;
“Фаллоҳъ”нинг бахтини
Кимлар уйғотур?

Кўриниб турибдики, лирик субъект одатдаги шеърлардек муаллиф эмас, балки “ўзга шахс”, яъни бахт нелигини англолмай сарсон бўлган қиз. Чўлпон “Нил қизи” образи орқали жуда катта бадий маъно ва умумлашма акс эттирмоқда ва бу муаллиф бадий ниятини амалга оширишда восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ролли шеър қаҳрамонлари меҳнацеварлик, жасорат, некбинлик, ҳазилга мойиллик ва энг муҳими инсонга хос бўлган ички куч - иродани кўрсата олиш қобилиятига эга бўлади. Шунинг учун бундай асарларда роль шакли бадий жиҳатдан илмий асосланади. Ижодкор бундай қаҳрамонларга, яъни “бегона” шахсга тўлиқ сўз билан ишонади. Уларнинг юксак инсоний табиатига – руҳий куч ва жасоратига ишонч ҳосил қилади (Ҳамза “Ўзбек хотини тилидан”, Чўлпон “Қадоқчи қўшиғи”, Ойбек “Куз ва қиз (Бир қиз тилидан)”, У.Азим “Брут”, “Отелло” ва б.). Бундай шеърларда драма ва насрдан фарқлироқ ҳаракат ёки сюжет деярли кўринмайди. Буларнинг барчаси монологда воқеалар орқали англаб олинади. Лирик шеъриятни таҳлил қилишда замонавий фан “муаллиф”, “лирик қаҳрамон”, “мен”, “ўзга шахс” тушунчаларидан фойдаланади. “Асосий эмоционал оҳанг” тушунчасига эҳтиёж борми деган ўринли савол туғилади. Бу, ҳақиқатан ҳам, маълум анъанавий тушунчаларда аниқланмаган ҳодисани акс эттирадимиз? “Чўлпон лирикасида муаллиф” ёки “У.Азимнинг лирик қаҳрамони” деганда, Чўлпон ёки У.Азимнинг барча шеърларида бир шахс тасвирлангани ва бу шахснинг биографик Чўлпон ва У.Азимдан фарқланиши, у билан тўғри келмаслигини билдиради. Бошқача айтганда, бу тушунчалар шоирнинг лирик шеърларида тасвирланган шахс бирлигини билдиради. Индивидуал-ижодий тип шахсий қаҳрамонга қаратилган бўлиб, муаллиф ва қаҳрамон ўртасида яқинлашувнинг янги шакллари яратади. Қолаверса, бу каби шеърлар шеърият яратган бадий образни мактублар, хотиралар, замондошлар гувоҳликлари, биографлар ва тарихчилар асарларидан келиб чиқадиган образдан фарқлаш имконини беради. Бироқ “муаллиф”, “лирик қаҳрамон”, тушунчалари ҳозирги даврдаги инсон образидан (ҳикоявий наср) фарқли равишда, шахс ҳаётининг қайсидир қирралари ҳақиқий лирик образнинг предмети эканлигини билдирмайди. “Асосий эмоционал оҳанг” тушунчаси шахсни тасвирлашда лирик усулнинг айнан мазмунини билдиради. Лирикадаги “муаллиф”, “лирик қаҳрамон” – “асосий эмоционал оҳанг” тушунчалари ўртасидаги муносабат ҳозирги даврдаги каби, “актёр”, “персон” – ва “характер” тушунчалари ўртасидаги муносабатни тушунамиз. “Актёр” ёки “лирик қаҳрамон” ҳақида гапирганда, бу билан биз шахсни тасвирлашнинг эпик ёки лирик усулини билдираемиз. “Характер” ёки “асосий эмоционал оҳанг” деганда биз инсонни эпик ёки лирик тасвирлаш усули билан боғлиқ бўлган шахс ҳаётининг ўзига хос мазмунини назарда тутамиз. Шу ўринда биз фикримиз исботи сифатида Усмон Азим шеъриятига эътиборни қаратсак, чунки шоирнинг кўплаб шеърларида юқорида айтилган фикрларимиз ўз ифодасини топган ва бизга илмий далил бўла олади:

Мен шундай яралдим:

Сумбатим эгри,

Гулларим қалбларга солмас ҳаяжон.

Мевамга ҳеч кимнинг тушмаган меҳри,

Баргим — чумолига бўлмас соябон.

Алвидо! Мен энди мақсадга етдим,

Боғдошлар, сўнг йўлга кузатинг, қани...

Мен ўтин бўлгани узлатга кетдим,
Мен кетдим, дўстларим, олов бўлгани!

“Бир дарахтнинг сўнгги кўшиғи” шеърдан олинган юқоридаги парчада туйғу, кечинма драматизми, гўзаллик ва хунуклик талқини турфа оҳанг билан қоришиқ ҳолда аён бўлмоқда. Дунёнинг азалий ҳамда абадий гўзаллигини туйиш, инсонни қадрлаш, улуғлаш ижодкорни илҳомлантиради. Лирик қаҳрамон кўз ўнгида суратланган ҳаёт гўзаллигининг бетакрор лаҳзаси, юрагига кўчиб ўтган тотли нашъаси, тириклик сурури кўнгил мулкига айланмоқда. Лирик талқин гарчи жонсиз предмет тилидан берилса-да маъно-мазмунда шоир ички кечинмалари тасвирланяпти. Қуйидаги шеърда эса тарихий шахс Мирзо Улуғбекнинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини акс эттиради:

Армонларим ушалсин деб
Сенга қарадим, осмон.
Юлдузларинг дувва-дувва
Тўкилди-ку бошимдан.
Баланд бўлиб, паст кунимга
Қачон ярадинг, осмон?
Бошларимдан тўкканинг у
Юлдузларинг тош экан.

Шоир Хуршид Давроннинг яна бир ижровий лирикага оид “Бобон ботирнинг ўлими олдидан айтганлари. 1869-йил.” шеъри ўз бадиий залвари билан шеърхонни ўзига жалб этади. Шеърда буюк ботирнинг халқ учун, Ватан, онаюрт ва тупроқ учун ноласи акс этади:

Демак, ҳали кун кун эмас,
Қуёш эса қуёшмас,
Кўзларимиз қуриб битди,
Кўздан оққан ҳали кўзёшмас.

Демак, ҳали халқ ҳам халқмас,
Эрк учун шайланмаса,
Демак, ҳали сут ҳам ҳақмас,
Гар қонга айланмаса...

Ушбу шарҳда адабиётшунослик назариясининг барча бой назарий масалаларини кўриб чиқиш мумкин эмас. Шунинг учун мен ўзим учун жуда муҳим ва жуда яқин бўлиб кўринган иккита масала устида тўхталиб ўтаман. Мен муаллиф онгини ифодалаш шакллари муаммоси ва шеърятдаги реализм муаммосини назарда тутяпман. Фразеологик нуқтаи назар (сўзловчининг икки томонлама табиати туфайли) ўқувчига таклиф қилинадиган позициянинг икки томонлама хусусиятини назарда тутади. Бир томондан, ўқувчи онг субъекти сифатида сўзловчи билан бирлашади, унинг нафақат фазовий-вақтинчалик, балки баҳолаш ва ғоявий позициясини ҳам олади. Бошқа томондан, унга сўзловчидан юқорига кўтарилиш, ундан узоқлашиш ва уни объектга айлантириш имконияти берилади. Иккинчи имконият қанчалик кўп амалга ошса, ҳақиқий ўқувчи тахмин қилинган ва постуляция қилинган матнни ўқувчига, яъни эстетик воқеликнинг элементи сифатида ўқувчига шунчалик яқинлашади. **Биографик муаллиф - асар концепциясининг ташувчиси сифатида муаллиф - унинг воситачи субъектив ва**

экстрасубъектив шакллари - ўқувчи ушбу шаклларнинг ҳар бири билан бирлаштирилган - ўқувчи постуляцияланган адресат сифатида, идеал идрок этиш принципи - ўқувчи ҳақиқий ижтимоий- тарихий ва маданий-психологик. Ушбу схема қуйидагича талқин қилинади: реал-биографик муаллиф (ёзувчи) хаёл ёрдамида муаллифнинг ҳаётини материални ташувчи сифатида танлаш ва қайта ишлаш, асар тушунчасини яратади. Бундай муаллифнинг бошқалиги идеал, берилган, ўйланган ўқувчини назарда тутадиган бутун бадиий ҳодисадир. Идрок этиш жараёни - ҳақиқий ўқувчини ўйлаб топилган ўқувчига айлантириш жараёни; шундай китобхонни шаклантириш жараёнида бадиий асарнинг барча даражалари, муаллиф онгини ифодалашнинг барча шакллари иштирок этади. Бу ўринда биз лириканинг кўринишларидан бири бўлган персонажли лирика намунасини ҳам кўришимиз мумкин. Бу каби шеърларда лирик қаҳрамон билан биргаликда ўзга шахс ҳам шеър қаҳрамонига айланади ва ўз эмоционал оҳангига эга бўлади. Х.Давроннинг “Бобур” шеъри мисолида буни яққол кўришимиз мумкин:

Отлар елар шиддатдан терлаб,
Янграр хатар тўла тақалар.
Ҳуркиб кўкка сапчиб, патирлаб,
Тун уйқуси – қора қарғалар.

Шу мисралар шеърнинг бошланиши бўлиб, бунда шоир худди эпик ва драматик асарлардаги каби ўқувчини ўз қаҳрамонлари руҳиятига, воқеалар шиддатининг бошланишига олиб киради. Кейинги мисрада эса шоир ўз сўзлари билан “ўзга шахс”га, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурга мурожаат қилади:

“Заҳириддин, қайга борурсан,
Бобонг, тахтинг, юртингни ташлаб?!
Қора тақдир сени қул каби
Қаёнларга кетмоқда бошлаб?!
Заҳириддин, ортга бир қара,
Ортга бир боқ, токи сен омон,
Ахир, кейин тушларингда ҳам
Бу тупроқни кўрмоғинг гумон”.

Биламизки, буюк бобомиз Бобур Самарқандни икки марта олиб икки марта қўлдан бой бериб қўяди. Ота юрти Андижон ҳам хиёнатчилар қўлига ўтади ва натижада, бошқа элларга қараб йўлга отланади. Ўқувчи ушбу шеърни ўқир экан ўзи худди тарих воқеаларининг ичида юргандек ҳис қилади. Худди Бобур билан бирга кетаётгандек ҳис қилади. Бунда шоир шеърнинг сўнгги бандида Заҳириддин тилидан аламли мисралар келтиради:

Алам билан юраги урар,
Шивирлайди титроқ лаблари:
“Ҳамма ердан кўриниб турар
Самарқанднинг миноралари”.

Кўриб турганингиздек, шоир ўз лирик қаҳрамони руҳиятини шу даражада жонлантирдики, гўё Бобур асрлар қаридан ҳали ҳам Ватан соғинчида ўртанаётгандек бўлади. Бобур шеърларида ғурбат, Ватан, юрт соғинчи доим устун бўлган. Буни ҳозирги ёш авлодга янаям жонли етказиш персонажли лирика истиқболининг етуклигидан далолат беради. Бундай шеърлар салмоғи ўзбек адабиёти шеърлятида анча-мунчани ташкил этади. Лекин персонажли лирикага

мансуб этиш учун ўзга шахс шеър субъектларидан бирига айланиши, унинг тилидан ифода этилган лирик кечинма (ўй-фикр, ҳис-туйғу) мустақил ғоявий-бадий қиммат касб этиб, шеър диалогиклик (полифониклик) хусусиятини касб этиши лозим. Яна шундай шеърлардан Ойбекнинг “Эркин қуш” шеърини мисол қилиш мумкин. Бу шеър ҳам субъектларнинг иккиталиги, диалогиклиги ва ички кечинмаларнинг уйғунлиги билан оҳорли лирика намунасини вужудга келтирган. Шоирнинг лирик субъекти жонли инсон эмас, балки қушдир. Бунда шоир қушчага мурожаат қилади:

Малак каби гўзал бир қуш
Тол шохига келиб кўнди.
Дедим: “Қушча, ёнимга туш,
Ёш кўнглимга алам тўлди.
Бир оз қуйла, шеъринг сўйла,
Маҳзун руҳим қанот қоқсин
Сирли, гўзал нағмаларинг
Амалимнинг шамин ёқсин”

Шоир ижодида юлдузлар, қушлар ва бошқа жонсиз предметларга мурожаат қилиш, уларни шеърнинг мавзусига айлантириш каби ҳолатлар жуда кўп учрайди. Биламизки, ўтган асрнинг шиддатли воқеалари шоирлар ижодига эркинлик бермаган. Мафкуравий таҳдид ва танқидлар шоирлар ижодий имкониятларини чегаралаган ва бунга йўл қўймаган. Шундай вақтларда лирик субъектни ўзгартириш, “ўзга шахс” тилидан баён қилиш ўз ижодий ниятини акс эттиришда қўл келган. Юқорида келтирилган шеър матнида ҳам муаллифнинг замон воқеаларидан безганлиги, руҳининг маҳзунлиги, ёш кўнглининг аламга тўлганлиги қушчага мурожаатида сезилади. Лекин қушча ҳам эркинлик шайдоси, унга ҳам қафаслар ёқмайди, унга ҳам кенг эркинлик майдони, хурфикрлик керак. Қуйида шу ҳолатни қушча тилидан айтилган мисраларда кўришимиз мумкин:

“Ёндим, эркиннинг савдосида,
Қафаслардан жуда бездим.
Боғчаларнинг ҳижронида
Юраги қон тутқун эдим.
Қўй, чақирма кўкка учай,
Эркинликка энди чиқай:
Баҳор келиб ҳар ёқ кулди,
Чечакларни бир оз қучай!” –
Дея қушча ҳар ён боқди,
Тиниқ кўкда қанот қоқди.

Персонажли лириканинг эмоционаллик даражасининг юқорилиги ҳам лирик субъектларнинг кечинмалари чиройли талқин ва ифода билан берилишида намоён бўлади. Бундай шеър намуналари Э.Воҳидов, А.Орипов, Х.Даврон, Чўлпон, У.Азим ва бошқа ижодкорлар ижодида ҳам талайгина салмоқли ўрин эгаллайди.

Шеър – шоир ижодининг маҳсули. Шоир эса жамиятнинг бир қатраси, унинг ижтимоий, маиший, маданий ҳаёт тарзидан таъсирланиб яшаган инсон. Жамият ҳаётидаги у ёки бу даражадаги ўзгаришлар шоир ижодида у ёки бу шаклдаги жанр ва услуб йўсинларини пайдо қилади. У янги кайфиятнинг меваси, шоир воситалигида жамият эҳтиёжининг қондирилиши йўлларидаги ҳаракатлардир.

Худди шу каби ижодкорларимиз ҳам ҳар қандай даврда ҳам ўз дилидаги ва халқ қалбидагиларни “ўзга шахс” тилидан айтиб бўлса ҳам ифодамай олди. Албатта, биз ёшлар бу маънавий қадриятларни ардоқлаб, янада ривожлантирамиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Пospelов Г. Н. Лирика среди литературных родов. Издательство Московского университета. 1976.
2. Корман Б.О. Избранные труды по истории и теории литературы. Издательство Удм. университета. 1992.
3. Қуронов Д. “Адабиётшунослик назарияси асослари” Т. Навоий университети Академнашр. 2018.
4. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. Фан. Т. 1988
5. Чўлпон. Танланган асарлар. Уч томлик. Биринчи том. Т. Биринчи жилд. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1993.
6. У.Азим. Сайланма. Т. Шарқ. 1995.
7. Х.Даврон. Тўмариснинг кўзлари тўплами . Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 2000.
8. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўққиз томлик. Биринчи том. Фан. Т. 1975